



О'ЗБЕКИСТОН БУНЫОДКОРИ

ЎТЎМОЙ-ЎТЎСОДИЙ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 52 (605)
2022 йил 19 июль,
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАЎСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМКОНИАТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 июль куни озиқ-овқат маъсулотлари етиштиришни ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, дунёда озиқ-овқат танқислиги кучайиб бормоқда. Экспортга қўйилган чекловлар ва транспорт-логистикадаги узиллишлар муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маъсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли даромадининг 40-50 фоизи озиқ-овқатга сарфланади. Шу боис бундай маъсулотларни кўпайтириб, нарх-навоининг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиш чоралари кўрилувчи.

Хусусан, йил бошида 80 минг гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, аҳоли учун ажратилди. Одамларга уруғ, кўчат ва ўғитдан ёрдамлаштириш бўйича "Томорқа хизмати" йўлга қўйилди. Томорқаларда маъсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзида 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Бундай имкониятлар натижасида маъсулот кўпайиб, нархлар тартибга тушмоқда. Сўнгги бир ойда ички бозорда помидор нархи ўртача 3 барабарга, бодиринг 10 фоизга, картошка 30 фоизга, сабзи 15 фоизга арзонланди. Бундан ташқари, 6 ойда 821 минг тонна ёки ўтган йилгига нисбатан 102 минг тонна кўп мева-сабзавот экспорт қилинди.

Яна бир муҳим томони, ушбу ажратилган ерларда 785 минг аҳолининг бандлиги таъминланди. Йиғилишда туман ва маҳаллалардаги ижобий тажрибалар билан бирга камчиликлар ҳам очикча муҳокама қилинди.

Жумладан, 80 минг гектар ердан 16 минг гектари аҳолидан узоқ ва суғориш қийин жойда бўлгани сабабли эгасини топмагани айтилди. Шу боис ҳокимларга бундай ерларни аҳоли учун қулай майдонларга алмаштириш топширилди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли тақлифлари асосида янги имкониятларни белгилаб берди. Йил якунига яна 20 минг гектар, келгуси йилда 100 минг гектар экин майдони аҳоли учун ажратилиши таъкидланди. Шундан жами 200 минг гектар бўлади.

Бу жуда катта имконият. Бу орқали қўшимча 1 миллион 200 минг аҳолини банд қилиш учун шароит яратилмоқда. Энг асосийси, агар туман ҳокими, ҳоким ёрдамчиси бу масалага ҳисоб-китоб билан ёндашса, озиқ-овқат ва ишсизлар масаласини бемалол ҳал қилса бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маъсулот етиштириш ва сотишда аҳолига кўмаклашиш учун маҳаллаларга ҳосилдор уруғ ва кўчат етказиш, кичик ҳажмли музлаткичлар ўрнатиш, иссиқхоналарни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда 64 та туманда аҳоли ўз томорқасида 3 марта ҳосил олмақда. Ҳосил яхши бўлса, битта оила 60-100 миллион сўмгача даромад қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа туманларда ҳам рағбатлантириш кераклигини таъкидлади.

Хусусан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда катта қудуқ қазिश харажатлари учун ажратилган субсидия миқдори 150 миллион сўмгача оширилиши белгиланди. Кичик қудуқлар учун Қорақалпоғистонда

5 метрдан, қолган ҳудудларда 10 метрдан ортиқ чуқурлиқнинг ҳар бир метрига 100 минг сўмдан субсидия берилди.

Қудуқ қазिशга гидрогеологик хулосалар 2025 йилга қадар бепул берилди. Сув тежовчи технологиялар жорий этиш бўйича берилган субсидиялар деҳқон хўжаликлари учун ҳам татбиқ этилади.

Хўжаликларга ҳалал бераётган яна бир муаммо шундаки, юртимизда 2 миллион 600 мингта хонадоннинг кадастри ҳужжатлари йўқ. Уларнинг эгалари томорқа учун кредит, субсидия ҳамда уйини кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмаётгани ҳақида Халқ қабулхоналарига кўплаб мурожаатлар тушмоқда.

Қолаверса, кадастри бўлмагани учун ер солиғи 3 қарра миқдорда ҳисобланади.

Адлия вазирлигида кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилди. Янги қонун қабул қилинганга қадар, бу уйларга уч қарра оширилган солиқ қўллаш тўхтатиб турилади.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Ҳокимликларга июль ойи якунига 820 минг гектар майдонда такрорий экинларни жойлаштириб, 11 миллион тонна маъсулот етиштириш, келгуси йилгача етарли захира яратиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, бу йилдан галлани етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Фермерларга жозибадор нархлар таклиф этилгани ўз натижасини берди. Июлда биржага 88 минг тонна бугдой чиқарилгани ҳисобига, 1 тонна бугдойнинг ўртача нархи 30 фоизга арзонлашди.

Давлат ресурсларига 1 миллион 842 минг тонна дон харид қилинди. Фермер ва кластерлар томонидан дон қорхоналарига 574 минг тонна галла сақлаш учун қўйилди.

Мутасаддиларга бу галлани биржага мунтазам чиқариб бориш ҳамда 1 октябрдан фермер ва кластерлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз давлат идораларининг самарадорлиги ва ижро масъулиятини ошириш ҳақида гапирди.

— Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар кўп камчиликларимизни кўрсатди. Олдимизда ҳали энг қийин ва оғир ислохотлар турибди. Ҳамма ўзгариши, иш услубини ҳам ўзгартириши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва ҳокимликлар ўз тузилмаси ва иш услубларини ўзгартириши зарурлиги таъкидланди. Адлия вазирлигида қонунчиликни ижчамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларга қулайликларни ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳисоб палатасига маблағлар сарфи, айниқса, қурилишни молиялаштириш, субсидия ва компенсация ажратиш жараёнларини рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар, маҳалла раислари ахборот берди.

Ў.А.

МУНОСАБАТ



АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИ амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар нимадан иборат?

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун юртимизда барпо этилаётган бир-бирдан кўркам ва замонавий иншоотларнинг ҳар бири энг аввало, мукамал лойиҳа натижаси ҳисобланади. Зеро, эндиликда юртимиздаги ҳеч бир бино ёки мажмуа "шунчаки қуриш керак бўлгани учунгина" бунёд этилмаётганига ҳар биримиз гувоҳ бўляпмиз.

Бу фикрга яққол мисол сифатида йилдан-йилга архитектура хизматлари ҳажми ўсиб бораётганини айтиш мумкин. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда архитектура соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 6,3 трлн сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилларга нисбатан анча кўп деганидир.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қурилиш, шаҳарсозлик ва архитектура масалалари,

ипотека соҳаларида ислохотларни жадаллаштириш ҳамда архитектура йўналишидаги олий таълим муассасаларини трансформация қилиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши эса бу борада яна бир улкан ўзгаришлар оқимини бошлаб берди.

Ўз навбатида, Қурилиш вазирлиги ҳам йиғилишда таъкидланган долзарб масалалар юзасидан келгусида бажарилиши керак бўлган бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб олди.

Қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича сўнгги йилларда 22 та Президент ҳужжатлари ва 21 та Хукумат қарорлари қабул қилинган ҳам соҳага юртимизда қай даражада катта эътибор қаратилаётганидан дарак беради. Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодекси янги талаблар асосида тўлиқ қайта ишланиб, янги таҳрирда қабул қилинди. Қолаверса, 2025 йилгача қурилиш тармоғини жадал ривожлантириш бўйича тасдиқланган стратегия ҳам соҳа ривожини учун улкан имкониятлар яратмоқда.

2-бет

МАҚСАДИМИЗ — шаҳарларимизни дунёдаги ақлли шаҳарлар қаторида кўришдир

Саидзим ШАРИПОВ,
"ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК архитектори.



Бугун нафақат пойтахт, балки вилоят, туман, шаҳар ва ҳаттоки кичик қишлоқларда ҳам махсус лойиҳалар асосида замонавий кўринишда қад ростлаётган бинолар юртимиз кўрқига-кўрк қўшмоқда. Шунга қарамай, қурилиш-бунёдкорлик, хусусан, муносиб лойиҳалар яратиш масаласида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Юртбошимиз лойиҳалаштириш ва шаҳарсозлик масалалари юзасидан керакли тавсияларини бердилар. Йиғилишда лойиҳалаш ва қурилиш ишлари бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди. Хусусан, ҳудудларнинг Бош режаси ва "мастер режа"ларини ишлаб чиқиш бўйича Республика кенгаши тузилиши, Қурилиш вазирлигида Бош архитектор лавозими жорий қилиниши, шаҳарсозлик қўдаларини тақомиллаштириш ҳамда халқаро меъёрларга мослаштириш, вилоятларда лойиҳа офислари очилиб, уларга ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва вилоят бош архитектори бош-қош бўлиши белгиланди.

2-бет

ЧОДАҚДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР



Наманган вилояти
Поп туманидаги тоғли
Чодак қишлоғида
120 оила замонавий
уйларга кўчиб ўтди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари, фаоллар ва маҳалла аҳолиси иштирок этди. Янги уй эгаларига калитлар тантанали топширилиб, эзгу тилаклар билдирилди.

Чодак қишлоғини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича амалий ишлар изчиллик билан давом этмоқда.



Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ў.А.) олган суратлар.

АНДИЖОНДАН ДАРАКЛАР

Ички йўллар
цемент бетон қоплама
усулида таъмирланишти



Зиё СИРОЖ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қўрғонтепа туманидаги Ёртибоши маҳалласи республикамизнинг энг олис манзили бўлиб, Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган. Айни пайтда бу ерда "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Жараён билан танишиш мақсадида маҳаллада бўлганимизда, Қора дарё ва Дил изҳори кўчаларида ички йўллар цемент бетон қоплама орқали соланаётганига гувоҳ бўлдик.

Бу маҳаллага 1965 йилда кўчиб келганимиз, – деди меҳнат фахрийси Абдурахим Хўжамбердиев. – Ортада қолган йиллар давомида бу қадар кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмаган эди. Узгартирилган ниҳоятда мамнунимиз. Боиси, йиллар давомида йўлнинг қолган муаммоларининг барчаси ижобий ечим топмоқда. Айниқса, 4 километрдан иборат ички йўлларнинг цемент бетон қоплама усулида соланаётганидан хурсандимиз. Сабаби, ёзда чанг, қишда лой кўчада юришининг ўзи бўлмайти. Энди

замонавий йўлда ҳаракатланиш имконияти яратилиши турмуш шароитимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Андижон вилоятида ички кўчалар цемент бетон қопламали йўлга айлантирилишидан нафақат ёртибошиликлар, балки бошқа ҳамюртларимиз ҳам миннатдор. Негаки, жорий йилнинг ўзида вилоятдаги 270 километрдан иборат ички кўчалар йўлсозликдаги янги ёндошув асосида соланади. Соҳада амалга оширилаётган бу каби ёндошув қишлоқ қиёфасини ўзгартириб, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Айтиш жоиз, Андижонда ички кўчаларни цемент бетон билан қоплаш тажрибаси ижобий самара бергач, йўл таъмирида янги амалиётга алоҳида аҳамият қаратила бошланди. Сабаби, бунда қоплама қалинлиги асфальтга нисбатан 3 баробарга ортиб, харажат имконияти яратилади. Битум импорти чекланиб, маҳаллий цемент хомашёсидан фойдаланиш мана шундай имкониятга сабаб бўлмоқда. Натijaда кўшимча 110 километр йўлни созлаш мумкин бўлади.

Боғишамол бунёдкорлик
майдонига айланди

Андижон шаҳридаги Боғишамол маҳалласи бунёдкорлик майдонига айланди. Боиси, бу ерда ҳудудни тоза ичимлик суви билан таъминлаш сифатини янада яхшилаш мақсадида йўналтирилган ишлар бошлаб юборилди. Бунга кейинги йилларда ҳудудда хонадонлар сони 400 тага ортиши сабаб бўлди.

– Бу маҳаллага кўчиб келганимизга 30 йилдан ошди, – деди фуқаро Нажимиддин Каримов. – Авваллари сув таъминотида муаммо бўлмаган. Боиси, хонадонлар сони ҳар бир кўчада атиги 15 тани ташкил этарди. Йил сайин маҳалла ҳудуди кенгайиб бормоқда. Ҳозирда кўчалардаги хонадонлар сони 70 тага етган. Бу табиийки, ичимлик

суви таъминотидаги муаммоларга сабаб бўлди. Шунда ҳам сув таъминоти идораси томонидан бир кунда икки маҳал сув етказиб бериб турилди. Вилоят ҳокими Шўхратбек Абдурахмонов маҳалламизга ташриф бууриб, аҳоли билан юзма-юз суҳбатлашган, манзилда энг аввало, сув муаммосига ижобий ечим топиш керак, деган қарорга келди.

– Ҳозирда бу ерда "Сув махсус таъмир" ҳамда "Водий юлдузи" МЧЖ томонидан 2 та насос станцияси ва 2 та сув сақлаш иншоотини қуриш ишлари олиб борилмоқда, – деди "Андижон сув таъминоти" МЧЖ директори Шўхратбек Матмусоев. – Шунингдек, 5,2 километр масофага тармоқ тортиш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун 2 млрд 800 млн сўм маблағ ажратилди.



Сув таъминоти бўйича бошланган хайрли ишлар тез орада электр, табиий газ, йўл соҳасида давом этиши режалаштирилган. Бу маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаб, уларнинг бугунги кунидан миннатдор бўлиб яшашларига сабаб бўлади.

511 гектар майдонда
ёзги иссиқхоналар
барпо этилмоқда

Асака туманида 111 гектар майдонда замонавий ёзги иссиқхона барпо этилмоқда. Савол туғилади: шундоқ ҳам жазираси ёз шароитида қандай қилиб иссиқхонада экин парвариш мумкин? Ҳамма гап шундаки, NETHOUSE услубидаги ушбу иссиқхоналар қуёшдан иссиқликни қабул қилиш эмас, балки уни қайтариш ҳусусиятига эга. Бунинг учун оддий тўрдан фойдаланиш кифой.

– "NETHOUSE" сўзини ўзбек тилига таржима қилганда, "Турли уй" маъносини англатади, – деди лойиҳа раҳбари Шерзодбек Саидов. – Бу турдаги иссиқхоналар ёзги фаолиятга мослашган бўлиб, устки қисми махсус тўр билан қопланади. Қоплама қуёшнинг ультратрашфаша нуруни қайтариб, ўсимликни кераклик миқдордаги қуёш нури ва иссиқлик билан таъминлаб беради. Турнинг устидан фитохимояланган қоплама тортилиши эвазига экинларга кимёвий ишлов берилмайди. Шу боис, бу каби иссиқхоналарда етиштирилган ҳосил юз фоиз экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат ҳисобланади.

Мутахассисларнинг маълум қилишларича, ёзги иссиқхоналар очик майдонда парваришланган ўсимликка нисбатан 5 баробар кўп ҳосил беради ва уларнинг жажон бозоридида нархи қиммат. Бунга экинга кимёвий ишлов берилмаганлиги сабабдир.



Туманининг Алишер Навоий номли массивида қурилаётган ушбу иссиқхонада бир йилда 7 минг тонна ҳосил етиштириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида давлат бюджетига 9 млрд сўм маблағ келиб тушади ва энг муҳими, 600 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозирда иссиқхонада Испания ва Франциядан олиб келинган голубика ва малина кўчатлари парваришланмоқда.

– NETHOUSE услубидаги иссиқхоналарнинг афзаллик жиҳатлари кўп, – деди лойиҳа раҳбари Шерзодбек Саидов. – Масалан, бир гектардан иборат очик майдонда 20-30 тонна помидор ҳосилини йиғиб олиш мумкин бўлган ҳолда ёзги иссиқхонада бу кўрсаткич 120-130 тоннани ташкил этади. Янги асосидаги экин майдонининг устки қисми махсус тўр билан қопланганлиги боис бу ерда ҳаво ҳарорати кундузлари 5-6 даража салқинроқ, тунги вақтларда эса шу даражада илқ бўлади. Бу ўсимликнинг турли касалликларга чидамлиги ва ҳосилдорлигини оширади.

Қишлоқ ҳўжалигига юқори натижа бериши кўзда тутилаётган бу каби ёндошув вилоят бўйлаб кенг қўлоч ёйиши режалаштирилган бўлиб, бунинг учун фойдаланилмай турган адирликлардан 511 гектар ер майдон ажратилди. Йилнинг 8 ойи давомида фаолият қўрсатидаги замонавий иссиқхоналар тез орада ўз самарасини бера бошлайди.

Картошкани
илк бор ҳавога экиш
тажрибасига киришилди

Биз одатда экинлар тупроқдагина ўсади, деб ўйлаймиз. Тўғри, сувда ўсадиган турлари ҳам бор. Лекин ҳавода ҳам парвариш мумкинлигини эшитмаганмиз. Шу боис, Қўрғонтепа туманида амалга оширилаётган лойиҳа диққатимизни тортди. Гап шундаки, бу ерда 1, 5 гектар майдонда агропоника усулида, яъни ҳавода картошка етиштиришга киришилди.

Туманининг картошка етиштиришга ихтисослаштирилганлиги соҳада мана шундай янги ёндошувга сабаб бўлди. Ҳўш, унинг афзаллик жиҳатлари нимада?

– Агропоника усулида картошка парқаш озиқлантирилди, – деди "Organik sits" МЧЖ раҳбари Ойбек Турақулов. – Бунинг учун илдиш очик ҳавода, муаллақ тарзда ривожланади. Бунда тупроқни озиқлантириш ва экинни суғоришга сарфланган харажатни иқтисод қилиш мумкин бўлади. Икки томонлама муҳитдан воз кечиш орқали экинни турли касалликлардан ҳимоя қилиш ва ҳосилдорлигини уч баробаргача ошириш мумкин. Ма-

салан, 1 гектар очик майдонда 20 тонна картошка етиштириш мумкин бўлса, агропоника усулида бу кўрсаткич ўртача 50 тоннани ташкил этади. Шу пайтгача тупроқда етиштирилган ҳосилни истеъмол қилиб ўрганганимиз боис ҳаводан олинган картошканинг мазасида фарқ бўлиши мумкинми, деган савол барчани қизиқтирмоқда. Тажрибадан шунга амин бўлдики, бу усулда йиғиб олинган ҳосилнинг мазаси анъанавий картошканинг мазасидан умуман фарқ қилмайди.

5 млн доллар маблағ асосида барпо этилаётган лойиҳа Нидерландия ва Перудадан ҳамкор компаниялар иштирокида амалга оширилмоқда. Лойиҳа ишга туширилган, бир мавсумнинг ўзида 11,7 млрд сўмни иқтисод қилиш ва 11,2 млрд сўм фойда топиш мумкин. Бунга бир йилдан тўрт мартагача ҳосил олиш орқали эришса бўлади. Дастлаб 3 минг гектар майдонга етадиган уруғлик олиш имкони яратилиш майдонда айни пайтда сўнгги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари янги йилга етгач, биринчи уруғлик картошкани ҳавога экиш жараёни бошланади.

Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы	Срок строительства
MOEI-RIDP-SYR-W-14	Капитальный ремонт средней школы №23 (640 мест) в СГМ "Дустлик" Баяутского района Сырдарьинской области	4 398 917 050 сум без НДС	205 календарных дней
MOEI-RIDP-SYR-W-21	Строительство средней школы (100 мест) в МСГ "Обод турмуш" Хавастского района Сырдарьинской области	3 754 795 366 сум без НДС	180 календарных дней

Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Сырдарьинском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области, а также ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 300 000 сум.

<p>Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж). Факс: 67-227-64-42. Тел.: 67-227-64-48. E-mail: tender-12@mail.ru</p>	<p>Получатель: Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области Банковские реквизиты: р/с: 2021 0000 3038 3676 6001 Сырдарьинский филиал АО "НБУ ВЭД РУз" ИНН: 202 585 476 МФО: 00363</p>
---	---

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:

Номер контракта	Наименование объекта	Залоговое обеспечение
MOEI-RIDP-SYR-W-14	Капитальный ремонт средней школы №23 (640 мест) в СГМ "Дустлик" Баяутского района Сырдарьинской области Рўз	87 978 341 сум
MOEI-RIDP-SYR-W-21	Строительство средней школы (100 мест) в МСГ "Обод турмуш" Хавастского района Сырдарьинской области	75 095 907 сум

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16:00 (по ташкентскому времени) 9 августа 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в данном процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

Адрес для подачи предложений:
Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве.
Адрес: Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).
Факс: 67-227-64-42. Тел.: 67-227-64-48. E-mail: tender-12@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: Сангиров Алишер.

"Universal Auktions Invest" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Очик аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-а уйда жойлашган "Iste'molda bo'lgan transport vositalari va ehtiyot qismlar Sergeli bozori" МЧЖ балансида бўлган кўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 709 FCA бўлган "HAFEI" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 14 940 722 сўм.**

2. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 220 EAA бўлган "Lacetti" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 47 677 000 сўм.**

Аукцион савдо 2022 йил 3 август кунини соат 11.30 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади.

Талаборлар билан закатлат шартномаларини тузиш, буюртманомалар, закатлат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача амалга оширилади. Буюртманомаларни ва закатлат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш 2022 йил 2 август кунини соат 17.00 да тўхтатади.

Талаборлар закатлат шартномасини тузиш учун савдо ташкилотчисига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Очик аукцион савдода иштирок этиш учун талаборлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқ-

дорда закатлат пулини савдо ташкилотчиси билан "Закатлат пули тўғрисида"ги қелишувни имзолагандан сўнг савдо ташкилотчисининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0049 3216 8025 AT "Турон банк" Яшнобод филиали МФО 010883 СТИР 302 083 379.

Закатлат тўловни амалга оширилган тўлов ҳужжатининг нусхаси ва буюртманомана савдо ташкилотчисига топширилади.

Аукцион савдо фолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида сотувчи (мулк эгаси) билан олди-сотди шартномасини имзолаши шарт. Шунингдек, кўрсатилган ахборот-консалтинг хизматлари учун тўлов олинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари дастлабки савдоларда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари мулк сотилгунга қадар ҳафтаининг ҳар жума ва чоршанба кунлари соат 11.30 да юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади. Такрорий савдолар учун талаборлар билан закатлат шартномаларини тузиш, закатлат тўловлари ва буюртманомаларини қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) иш кунини олдин соат 17.00 да тўхтатади.

Сотилиб, кейин савдо натижалари бекор бўлган ҳолларда мазкур автотранспорт воситасининг савдолари кейинги савдо кунларида ташкил қилинади. Хурматли талаборлар! Аукционда талабор шахсан ўзи ёки ишончнома асосида унинг вакили қатнашади, нархлар эркин шаклланади ҳамда сотиб олиш тўловлари сотувчининг ҳисоб рақамига банк орқали тўланади.

"Аукциондан автомашина олиб бераман" деган шубҳали шахсларга алданиб қолман!
Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.
Муружаат учун тел.: 71-236-74-67.

ЭЪЛОН!

"Universal Auktions Invest" МЧЖ томонидан "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2022 йил 13 майдаги 34 (587)-сонидан берилган эълондаги "Iste'molda bo'lgan transport vositalari va ehtiyot qismlar Sergeli bozori" МЧЖ балансидаги бошланғич баҳоси – 56 090 650 сўмлик 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 220 EAA бўлган "Lacetti" русумли автотранспорт воситаси ҳамда бошланғич баҳоси – 17 577 320 сўм бўлган

2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 709 FCA бўлган "HAFEI" русумли автотранспорт воситалари балансида сақловчи ташкилотнинг тегишли хатига асосан аукцион савдоларидан олинди.

Қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.
Тел.: 71-236-74-67.

004059 рақамли гувоҳнома.

ТАНИШИНГ, "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ

ОСУДА ҲАЁТ КЕЧИРИШ ИНСОНГА
ЯНАДА КУЧ БАҒИШЛАЙДИНаргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўз меҳнатидан рози бўлсанг, бундан барча бирдек наф кўрса, қилинган меҳнат натижаси кўкка буй чўзса. Ана шу меҳнат орқали ҳудуд обод бўлса қандай яхши. Худудлар чиройини очиб, одамларга қулай шароитда яшаш имконини бераётган кенг қамровли қурилиш ишлари айти пайтда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида ҳам давом этмоқда.

Туманда амалга оширилаётган қурилиш лойиҳасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда барпо этилиши кўзда тутилган массивларда 5 йил давомида 50 дан ортиқ кўп қаватли замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар қурилишини кўриш мумкин. Айти пайтда бу ерда 9 та кўп қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилган. Қизгин иш жараёнига бир қатор техника ва малакали мутахассислар жалб этилган. Қўли қўлига тегмай меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар учун муносиб меҳнат шароити ҳам мавжуд.

Мухтарам Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги 32-сонли Фармони асосан мазкур массивга тамал тоши қўйилди, – деди Хонқа тумани ҳокимининг ўринбосари Сирож Бекжонов. – "Янги Ўзбекистон" лойиҳаси асосида Хонқа туманида 3 та массив танлаб олинган. Бу жараёнда аҳоли ўртасида сўровнома ўтказилиб, уларнинг фикри ўрганилди. Айтилган объектлар аксарияти айнан шу ерда "Янги Ўзбекистон" массиви барпо этиш истагини билдирган. Массивда яқин 5 йил давомида 52 та турар жойлар қурилиши амалга оширилиши керак. Шу йилнинг ўзида 268 та хонадонларни ўзида жамлаган 9 та турар жойни барпо этишимиз лозим. Бош режага асосан, бу кўп қаватли уйлар аукционга қўйилиб, талабдорлар томонидан сотиб олинган, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирда иккинчи ва учинчи қаватлар



қад кўтармоқда. 2022 йилнинг 1 декабрда аҳолини ушбу уйлارга кўчириш режалаштирилган.

Вилоят ҳокимининг топшириғига кўра, айнан ана шу талабдордан келиб чиқиб, яна 11 та уй-жой қурилиши учун аукцион ўтказилди. Яқин кунларда яна қўшимча кўп қаватли уйлarning ҳам қурилиши бошланади. 46 миллиард сўмлик лойиҳа 2023 йилнинг биринчи чорағида якунига етказилиб, уйлар аҳоли ихтиёрига фойдаланишга топширилди. Мазкур уй-жойлар туман марказида қад ростлаётгани сабабли, ушбу майдонда барча коммуникация тармоқлари мавжуд. Бу ерда марказий канализация тармоғи ўтказилиб, туман марказидан 12 километрик тармоқ орқали 3 та сув ҳайдаш ва 1 та сув тозалаш иншоотлари ўрнатилди. Келгусида оқова сув бўйича муаммолар юзага келмайди. Ичимлик суви, газ, интернет, электр энергия тармоқлари ҳам ўрнатилди.

"Янги Ўзбекистон" массивида ички йўллар бетонлаштирилди. Табиий газ ва электр энергияси тармоқлари, ичимлик ва оқова сув қувурлари ўрнатилди.

Туманда умумий қуввати 47 миллиард сўм бўлган оқова сув тизимининг қурилиши бошланган. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши аҳоли учун бир қатор қулайликларни яратди. Икки босқичли мазкур йирик лойиҳанинг ишга туширилиши самарасида 35 минг аҳоли янгидан марказлашган оқова сув тармоғига уланди. Марказлашган оқова сув тармоғи кунига 4 минг куб метр сувни тозалаш имконига эга. Лойиҳанинг биринчи босқичида кўп қаватли уйда яшовчи 864 та аҳоли хонадонига хизмат кўрсатилади. Шунингдек, Хонқа шаҳарчасида барпо этилиши кўзда тутилган 110 та кўп қаватли уйлarda бу лойиҳа имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади.

Булардан ташқари, "Янги Ўзбекистон" массивида аҳолига қатор қулайликларни яратиш мақсадида 340 ўринли мактабга таълим ташкилоти, 990 ўринли ўрта умумтаълим мактаби ҳам барпо этилади. Кўп қаватли уйлар атрофида пийдалар йўлакчалари, болалар майдончалари, кечки сайр учун шароитлар яратишга ҳам ургў берилган. Айтиқса, энергия самарадор тунги ёрит



гичлар ўрнатилди, улар кун давомида қуёшдан энергия олиб, тунда кўчаларни ёритиш қувватига эга бўлади.

Маълумки, уй-жой харид қилувчи инсонлар даставвал биноларнинг сифати қизиқишади. Албатта, бу жараёнда сифат назорати катта эътибор қаратилган. Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, сифат назорати ҳар кун амалга оширилмоқда. Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан ҳам биноларнинг қурилиши қаттиқ назоратга олинган.

Қурилиш жараёнида қурилиш маданияти ва сифати борасида кундалик назорат олиб бормоқдамиз, – деди сўхбатдошимиз. – Тегишли назорат мутасаддилари билан бирга уйлари сотиб олаётган хариддорлар ҳам ушбу жараёнларни бемалол кузатиш имкониятига эга. Қурилишда қандай материаллардан фойдаланилмоқда, муҳандислик тармоқлари қандай тартибда ўрнатилмоқда, буларнинг барчасига ўзлари гувоҳ бўлишлари мумкин. Кварталарнинг хоналари орасида газоблок

кент қўлланилмоқда. Чунки, у энергия тежамкор бўлиб, шовқинга бардошли, қишда иссиқ ҳароратни, ёз фаслида эса салқин ҳавони ўзида ушлаб турадиган замонавий қурилиш материали ҳисобланади.

– Массивдаги қурилиш ишлари май ойида бошланиб, айти пайтда бинонинг 3-қаватини яқунлаш ишлари олиб борилмоқда, – деди қурилиш корхонаси раҳбари Шомурод Қурёзов.

"Еш куч" маҳалласидаги бу ишлар ўзгача шиддат билан давом этапти. Мазкур уйлар нафақат аҳолининг турар жойларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади, балки маҳалла ҳудудига ҳам кўрк бағишлайди.

– Ҳозирги кунда туманимизда 33 мингта хонадон мавжуд бўлиб, уларнинг 1 316 тасида 2 ва ундан ортиқ оилалар истиқомат қилади, – деди Хонқа тумани ҳокимининг "Еш куч" МФЙдаги ёрдамчиси Улуғбек Яхшибоев. – Бундан иккита ва ундан ортиқ оилаларнинг уйга эҳтиёжи борлигини англаш мумкин. Айти мана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, "Янги Ўзбекистон" массивида 2022 йилнинг ўзида 500 та хонадонни жамлаган 20 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилади. Бу билан уй-жойга эҳтиёжи бор 50 фоиз аҳолининг муаммоси бартараф этилади. Эътиборли жиҳати, мазкур кўп қаватли уйлarning биринчи қаватида 37 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш мўлжалланган бўлиб, бунинг самарасида 52 та янги иш ўрни яратилади.

"Янги Ўзбекистон" массивида касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳам ўрин эгаллайди. "Аёллар" ва "Ешлар" дафтаридаги аҳолини ана шу марказларда бепул ўқитиб, уларни ҳудуддаги янги ижтимоий соҳа объектларига доимий ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Сартарошлиқ, тикувчилик цехлари, савдо дўконларининг ташкил этилиши аҳолига қатор қулайликларни яратди.

Бугунги кундан миннатдорлик, осуда ҳаёт кечириш аслида, инсонга янада куч бағишлайди. Унинг яшашга бўлган интилиши ортади. Мақсадлар улғаяди. Одамларнинг кўнгли гулзорга айланган ҳовли майдонда ўйнаб яраётган болаларнинг кулгуси билан янада қувончга тўлади. Хонқадаги "Янги Ўзбекистон" массивида давом этаётган қурилиш жараёни якунига етган, мана шу манзарага гувоҳ бўлишимиз мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод
Жалолов

Бош муҳаррир
ўринбосари Абдусами
Ҳақбердиев

Саҳифаловчи Акмал
Махкамов

Мусаҳиҳ Марҳамат
Мусулмонқуллова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Узсанотқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎЗГАШКЛИТИ» ДУҚ,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУҚ,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУҚ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (жотибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна
булими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондар вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадар вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
руйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-743.

Қорақалпоғистон Республикаси,
Хўжайли тумани қурилиш
бўлими шаҳарсозлик қўнунчилиги
бўлими шаҳарсозлик қўнунчилиги
риоя этилиши назорати бўйича
архитектори Акылбек
Бегжанов, Эллиққалъа тумани
қурилиш бўлими бошлиғи –
туман бош архитектори Неймат-
жан Қулумбетов,

Тошкент вилояти, Янги-
йўл тумани қурилиш бўлими
шаҳарсозлик қўнунчилиги
риоя этилиши назорати бўйича
архитектори Иброҳимжон Сад-
риддинов, Қуйичирчиқ тумани
қурилиш бўлими бошлиғи –
туман бош архитектори Ойбек
Ҳабибуллаев,

Хоразм вилояти қурилиш
бош бошқармаси бошлиғи
Баҳодир Каримовларни тавал-
луд қилиш билан чин диддан му-
боракбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик,
узоқ умр,
ойлави хотиржамлик,
муштаҳкам соғлиқ тилайми!

Газетамизнинг келгуси сони
2022 йил 26 июль кунини чиқади.

ФАРҒОНАДАН ДАРАКЛАР

ХОНАДОНЛАРГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛМОҚДА

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Келгуси авлодлар учун табиий бойликларни сақлаб қолиш ва экологияни муҳофаза қилишнинг зарурий шартини қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларини ўзлаштириш ҳисобланади.

Шу сабаб, жорий йилнинг 10 июнь кунини Президентимиз раислигида иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселекторда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона туманидаги "Миндонобод" ва "Новкент", Ёзёвон туманидаги "Қатортол", Қўштепа туманидаги "Уқчи" МФЙда жойлашган хонадонлар қуёш панеллари ўрнатиш учун танлаб олинди.

"Фарғона ҳудудий электр тар-

моқлари корхонаси" АЖ ҳамда Фарғона, Қўштепа ва Ёзёвон туманлари ҳокимликлари ҳамкорлигида амалий жараёнларга киришилди. Жумладан, дастлабки босқичда Фарғона тумани "Новкент" МФЙ ҳудудидаги мавжуд 426 та хонадоннинг 108 тасига қуёш панеллари ўрнатиш белгиланган.

Бундан ташқари, тумanning "Миндонобод" МФЙ ҳудудида ҳам 862 та хонадон мавжуд бўлиб, шундан дастлабки босқичда 290 тасига қуёш панеллари ўрнатилди. Натيجада бу икки ҳудудда қарийб 85 фоиз электр энергияси истеъмоли тежалди. Эътиборлиси, қуёш панеллари ўрнатилган хонадонларга солиқ имтиёзлари берилиши ҳам кўзда тутилган.

Амалий ишлар билан бир қаторда бугунги кунда вилоят бўйлаб аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш бўйича тушунтириш-тарғибот тадбирлари ҳам олиб борилмоқда.



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Кадастр агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси ҳамда Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида раҳбар ҳамда мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар ва блогерлар иштирок этди.

Дастлаб Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Раваънож Мирзааҳмедов жорий йил бошидан шу кунга қадар амалга оширилган ишлар, шунингдек, ишчи-ҳодимлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш борасидаги кенг қўламли вазифалар юзасидан анжуман қатнашчиларига маълумотлар бериб ўтди.

Таъкидландики, ўтган вақт мобайнида вилоят бўйича 500 та ҳолатда 100,2 гектар ер майдонларини фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан Республикада амалда бўлган қўнунчилик билан ҳолатда эгаллаб олингани аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича 397 нафар шахсларга нисбатан бошқарма ҳамда бошқарманing туман, шаҳар филиаллари томонидан ер



қўнунчилигининг бузилишига оид қўнуний чоралар кўрилди. 5 гектар ер майдонида йўл қўйилган 155 та қўнунбузилиш ҳолатлари жойида бартараф этилди.

6 ой давомида бошқарманing туманлар ва шаҳарлар филиалларида ўтказилган кўча қабуллар жараёнида фуқаролардан турар жой ва ер масалаларига оид турли мавзуларда 35 483 та муросалар келиб тушган. Мазкур муросалар малакали мутахассислар томонидан қоникарли жавоблар берилди.

органлари вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирокида қўнунчилик билан ҳолатда бўлиб, ўрганиб чиқилди. Шулардан 25 373 таси ижобий ҳал этилди. Бир ярим мингдан зиёди ижро этилиб, тўлов кутилмоқда. 55 таси янги ва ижро жараёнида. 7 172 таси рад этилган.

Анжуманда журналист ва блогерлар берган қўллаб-қувватларга бошқарма мутахассислари томонидан қоникарли жавоблар берилди.

Қақажонларга
СЕВИМЛИ СОВҒА

Марғилонлик Манзураҳон болагидан нафақат кўғирчоқлар ўйнашни, балки улар учун кўйлақчалар тикишни ҳам яхши кўрар эди. Унаси қизалоғи тиккан кўйлақчаларни ҳайрат билан қўлига олар экан, "Қизим, ўзинг тикидингми?" деб, эркалаб қўяр эди.

Мурғак қалбида кўртак отган қизиқчи Манзураҳонни унғайганида ҳам тарқ этмади. Энди кўғирчоқлар учун кийим тикиш билан кифояланиб қолмай, ўзи кўғирчоқлар ҳам ясай бошлади. Миллий либоси ярашган, узун сочли кўғирчоқлар ҳамма қизалоқларга бирдек манзур бўлишини у қалбан ҳис этарди.

– Кўғирчоқларим қизалоқлар учун жуда қулай, юмшоқ, асосийси, тезда сочлари узилиб кетмайди, – деди "Ипак йўли" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор Манзураҳон Сойибназарова.

Тадбиркор ҳозир бир неча турдаги кўғирчоқларни яратиш билан машғул. Бир кунда 18-20 тагача кўғирчоқ тайёрлаб, уларни асосан ички бозорда сотмоқда. Оилада Манзураҳон аядан ташқари келини ҳам кўғирчоқ ясади. Қўни-қўшни аёллар кўмакчи.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек, оиланинг 8 нафар аъзоси ва қўшиллар ўз меҳнатлари туфайли фаровон турмуш кечирмоқда.

– Набираларим учун кўғирчоқни фақат шу аёлдан сотиб оламан, – деди маҳалла хотин-қизлар фаоли Фазилатхон Ўзганбоева. – Сабаби, кўғирчоқлари жуда бежирим ва гўзал.

ТУГИЛГАН
КУНИНГИЗ
МУБОРАК
БЎЛСИН!

Июль ойининг
шу кунларида
таваллуд айёмларини
нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги Ижро
назорати бўлими бош мутахассиси
Азиз Рустамов,

Андижон вилояти, Хўжа-
обод тумани қурилиш бўлими
бошлиғи – бош архитектори
Ғайратжон Абдуҳалилов, Пах-
табод тумани қурилиш бўли-
ми бошлиғи – туман бош архи-
тектори Аъзамжон Иброҳимов,

Жиззах вилояти, Шароф
Рашидов тумани қурилиш бў-
лими бош мутахассиси Хуршид
Дўсбоев,

Қашқадар вилояти Қури-
лиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси лаборатория мута-
хассиси Собир Юсупов,

Қорақалпоғистон Республикаси,
Хўжайли тумани қурилиш
бўлими шаҳарсозлик қўнунчи-
лигига риоя этилиши назорати
бўйича архитектори Акылбек
Бегжанов, Эллиққалъа тумани
қурилиш бўлими бошлиғи –
туман бош архитектори Неймат-
жан Қулумбетов,

Тошкент вилояти, Янги-
йўл тумани қурилиш бўлими
шаҳарсозлик қўнунчилиги
риоя этилиши назорати бўйича
архитектори Иброҳимжон Сад-
риддинов, Қуйичирчиқ тумани
қурилиш бўлими бошлиғи –
туман бош архитектори Ойбек
Ҳабибуллаев,

Хоразм вилояти қурилиш
бош бошқармаси бошлиғи
Баҳодир Каримовларни тавал-
луд қилиш билан чин диддан му-
боракбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик,
узоқ умр,
ойлави хотиржамлик,
муштаҳкам соғлиқ тилайми!